

ISSN: 2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ

ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

3-СОН

МАРТ, 2023



IMFAKTOR  
PAGES



ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

**ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ  
ИССЛЕДОВАНИЯ  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ  
НОМЕР-3**

**ФУНДАМЕНТАЛ  
ТАДҚИҚОТЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ  
3-СОН**

**FUNDAMENTAL STUDIES  
SCIENTIFIC-PRACTICAL JOURNAL  
VOLUME-3**



**ТОШКЕНТ - 2023**

**Бош муҳаррир:**

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

**Масъул муҳаррир:**

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Таҳририят аъзолари:**

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Абдурахмон Хасанов

**Таҳририят манзили:** <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

**Телефон номер:** +99894-410 11 55, **E-mail:** [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

*Иқтисодиёт фанлари*

**ОЛИМОВ Азизбек Вали ўғли**

*Банк-молия академияси тингловчиси*

<https://10.5281/zenodo.7747822>

## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР: МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ХУДУДЛАР БЮДЖЕТЛАРИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада маҳаллий бюджетлар: маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудлар бюджетлари даромадларини оширишдан мафаатдорлигини оширишни такомиллаштириш йўллари бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** бюджет, бюджет тизими, республика бюджети, маҳаллий бюджет, даромадлар, харажатлар, бошқарув органлари.

## МЕСТНЫЕ БЮДЖЕТЫ: ПОВЫШЕНИЕ ДОХОДОВ МЕСТНЫХ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ В БЮДЖЕТАХ РЕГИОНОВ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается обратная связь с местными бюджетами: способы увеличения мафаатлики местных органов государственной власти за счет увеличения доходов бюджетов регионов.

**Ключевые слова:** бюджет, бюджетная система, республиканский бюджет, местный бюджет, доходы, расходы, органы управления.

## LOCAL BUDGETS: INCREASING THE REVENUES OF LOCAL PUBLIC AUTHORITIES IN THE BUDGETS OF THE REGIONS

### ANNOTATION

This article describes feedback from local budgets: ways to increase the response of local government bodies by increasing the revenues of regional budgets.

**Keywords:** budget, budget system, republican budget, local budget, revenues, expenditures, governing bodies.

Давлат сиёсатининг жойлардаги самарали ижроси маҳаллий давлат бошқарув органларининг иқтисодий ҳамда молиявий имкониятларига боғлиқдир. Ҳозирги шароитда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш амалиёти уларнинг тўлиқ молиявий мустақиллигини таъминлашда, маҳаллий бюджетга тушумларни кўпайтиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаоллиги назаримизда етарлича эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу соҳадаги муаммоларга тўхталиб, «...маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқишимиз, уларнинг мустақиллигини янада оширишимиз лозим. Худудларни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишда аксарият ҳокимларда масъулиятни ўз зиммасига олиб, мустақил қарор қабул қилиш ва ташаббускорлик етишмаяпти» [1] - деб таъкидлаб ўтдилар.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш, уларнинг барқарор ривожланишини таъминлашда маҳаллий ҳокимият органлари молиявий мустақиллигини ва маъсулиятини янада ошириш, шу асосда илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш асносида тизимли ёндашиш ҳозирги шароитда долзарблик касб этади.

Мамлакат иқтисодиётини рақамлаштириш шароитида ҳудудларни ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш зарурлиги яққол намоён бўлмоқда. Ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик, ишсизлик даражасининг ортиб бориши, ҳудудлар экспорт салоҳиятининг пастлиги ва бошқа шу каби мамлакат ҳудудлари иқтисодиётини ривожланиши билан боғлиқ муаммолар илмий асосланган ҳолда ёндашувни тақозо этади. Ҳудудларнинг иқтисодий жиҳатдан етарлича ривожланмаганлиги, инвестицияларнинг мамлакатимизнинг ривожланган ҳудудларига йўналтирилаётганлиги, шароит ва имкониятлар турличалиги оқилона иқтисодий сиёсат олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек «Биз аввало иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни янада чуқурлаштириш, унинг соҳа ва тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бошланғич ишларни жадаллаштиришимиз керак. Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим» [2]. Шу боис, мамлакат ҳудудларини барқарор ривожланишини таъминлаш ва улар даромадларини тартибга солиш масалалари доим аҳамиятли бўлиб қолаверади.

Ривожланган давлатлар тажрибасининг гувоҳлик беришича, мазкур муаммоларни ҳал этишнинг самарали воситаларидан бири, шубҳасиз солиқлардир. Солиқ тизимининг, шунингдек солиқларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти, унинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлган ҳолда шунга мос солиқларнинг ўрни ҳам турличадир. Мамлакатда юритилаётган солиқ сиёсатининг амалда натижадорлигини таъминлашнинг асоси ҳудудлар миқёсида солиқ сиёсатини юритишни тақозо этади.

Маҳаллий бюджетлар: маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудлар бюджетлари даромадларини оширишдан мафаатдорлигини оширишни такомиллаштириш йўллари борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган ҳамда тадқиқ этилган. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олим О. Томассо «Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари барқарорлиги, молиявий салоҳиятининг кўрсаткичлари давлат ва унинг алоҳида минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун маълумотлар тизимини ифодалашини ҳисобга олиш муҳимдир» [3] дея таъкидлаб ўтган.

Е. Горина эса, «Молиявий барқарорлик - бу маҳаллий ҳокимиятнинг аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича ўз мажбуриятларини доимий равишда бажариши, маҳаллий бюджетнинг қониқарли молиявий ҳолатини қисқа ва узоқ муддатда таъминлаш қобилиятидир» [4]. Муаллиф фикрига кўра, маҳаллий ҳокимиятларнинг бюджетларнинг харажатлар қисмини ўз даромадлари ҳисобидан бажарилишини таъминлаш қобилияти маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини сақлашнинг асосий шартидир.

Маълумки маҳаллий ҳукумат ўз фуқаролари учун етарли ва барқарор фаровонликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди, бу эса солиқ тўлайдиган аҳолига сифатли давлат хизматларини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Шундан келиб чиқиб, хорижлик иқтисодчи олимлардан бири Л.Синерво «молиявий бошқарувнинг иккита асоси пайдо бўлади: биринчидан, давлат сектори узоқ муддатли истиқболда ўз иқтисоди ва маблағларини мувозанатлаштириши керак, бу аҳолидан олинадиган солиқлар етарли бўлишини аниқлатади, иккинчидан, улар учун хизматларни ташкил қилиш ва тенг равишда ишлатилишини таъминлаши керак. Ушбу асослар маҳаллий ҳокимиятнинг молиявий барқарорлигини намоёниш этади» [5]. Дея таъкидлаб ўтган.

Е. Пивень «Бюджет» тушунчаси том маънода пул суммасини англатади. «Бюджет маълум бир субъектнинг молиявий ҳолатини, пул маблағларининг тўпланишини, даромад ва харажатларнинг мувофиқлигини, маблағларнинг ортиқча ёки камлигини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, бюджет пул даромадлари ва харажатлари баланси ёки давлат ва маҳаллий ҳукуматнинг вазифа ва функцияларини таъминлашни молиялаштириш учун мўлжалланган маблағлар фондиди шакллантириш ва сарфлаш шаклидир» [6] деган фикрни билдириб ўтган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А. Жўраевнинг фикрича «Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқлар ва йиғимларни бюджетга ўз вақтида тўлиқ ўтказилишини таъминлаш тўлов интизомини мустаҳкамлашни тақозо этади. Бу вазифанинг тўлиқ ҳал этилмаганлиги солиқ сиёсати таъсирчанлиги ва самарадорлигининг паст эканлигидан, солиқларнинг ўз функцияларини тўлиқ бажармаётганлигидан далолат беради» [7]. Демак, солиқларни ўз вақтида бюджетга келиб тушишини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга.

А.Исламкуловнинг фикрича «маҳаллий бюджет даромадлари бир томондан ишлаб чиқариш жараёнининг иштирокчилари ўртасида ялпи ички маҳсулот қийматини тақсимлаш натижаси ҳисобланса, иккинчи томондан маҳаллий аҳамиятга эга пул жамғармасини шакллантиришга хизмат қилувчи қийматдир» [8].

А.Хайриддиновнинг фикрича «маълум бир нисбатдаги бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлардан иборат бўлган, алоҳида олинган маҳаллий маъмурий ҳудуд доирасидаги бюджет тадбирларини ўз вақтида ва белгиланган суммаларда узлуксиз молиялаштириш имкониятини таъминлашга маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлиги дейилади» [9]. Муаллиф маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигига таъсир кўрсатадиган омилларни бевосита ва билвосита гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил этган.

Юқоридаги иқтисодчи олимлар томонидан билдирилаётган фикр ва мулоҳазаларда маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг долзарб молиявий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар гуруҳланган ва шу асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг молиявий механизмини шакллантириш йўллари очиб берилган.

Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган. Мавзуни ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-антикий фикрлаш, статистик усулларида фойдаланилган.

Бугунги кунда маҳаллий бюджетларнинг, айниқса қишлоқ ҳудудларида маҳаллий бюджетларга бириктирилган солиқ ва йиғимларнинг маҳаллий бюджетларни шакллантиришдаги аҳамияти кутилган натижаларни бермаяпти. Бу ўринда маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улуши сезиларли даражада эмас ва улар аҳамиятини оширишни тақозо қилади.

Ушбу мақсадга эришишда, аввало, маҳаллий давлат бошқарув органларига етарлича эркинлик бериш, маҳаллий бюджетнинг даромадлар манбалари ва харажатларнинг мақсадли ва самарали йўналишини белгилаш, бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот (муассаса)ларнинг харажат сметаларини оқилона тузилишини таъминлаш, ўз навбатида, бюджетга солиқ тушумларини тушишини назорат қилишни ўз ичига олади.

Маҳаллий бюджетларнинг асосий даромадлари манбаси маҳаллий бюджетларга бириктирилган солиқлар ва йиғимлар ҳисобланади.

«Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар - давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари ва идоралари даромадига ўтказиладиган солиқ ва йиғимлар. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилади, уларнинг миқдори, ставкалари, ундириш тартиби, солиқдан имтиёзлар бериш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари томонидан, амалдаги қонунларга мувофиқ белгиланади» [10].

Шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг юқорида келтирилган даромадларидан ташқари даромадларига маҳаллий бюджетларга республика солиқлари, йиғимлар ва божлардан ажратиладиган ажратмалар, юқори турувчи бюджетлардан бюджет дотациялари, субвенциялари ва бюджет ссудалари, трансфертлар, қуйи бюджетга ўтказиб бериладиган бошқа даромадлар ҳам киради.

Маҳаллий бюджетлар ўз даромадлари ҳисобидан харажатларни тўлиқ қоплаш имконининг йўқлиги маҳаллий бюджетларга юқори бюджетдан турли хил молиявий ёрдамлар берилишини тақозо этади. Ушбу молиявий ёрдамлар турларига дотация, субвенция, ўтказиладиган даромадларни ҳамда трансфертларни келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига дотацияга қуйидагича таъриф берилган: «Дотация – бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шarti билан ажратиладиган пул маблағларидир». Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига бошқа молиявий ёрдам турларига ҳам таърифлар келтирилган. Унга кўра «субвенция – муайян мақсадларга сарфлаш шarti билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга қайтармаслик шarti билан ажратиладиган пул маблағлари» ҳисобланади.

Бюджетнинг тартибга солувчи даромадларига эса – «бюджет тизими бюджетлари ўртасида ажратмалар нормативлари белгиладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек солиқ бўлмаган тўловлар» шаклидаги даромадлар киради.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида маҳаллий бюджетларнинг тутган ўрни [11]**

Даромадлар	ЙИЛЛАР						
	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Давлат бюджети (млрд.сўм)	36493,3	41043,4	49684,8	79 099,0	112 165,4	132 938,1	164 680,3
шу жумладан:							
Республика бюджети (млрд.сўм)	22028,6	24740,8	31148,3	56154,8	77031,2	105 235,2	129506,9
Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (фоизда)	60,4	60,3	62,7	70,1	68,7	79,2	78,6
Маҳаллий бюджетлар (млрд.сўм)	14464,7	16302,6	18536,5	22944,2	35134,2	27702,9	35173,4
Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (фоизда)	39,6	39,7	37,3	29,9	31,3	20,8	21,4

Келтирилган жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкинки, давлат бюджети даромадлари таркибида республика бюджетларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Жумладан, таҳлил этилаётган йилларда республика бюджетининг улуши мос равишда 60,4; 60,3; 62,7; 70,1; 68,7; 79,2; 78,6 фоизни ташкил этгани ҳолда таҳлил этилаётган йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлса, маҳаллий бюджетларнинг улуши эса 39,6; 39,7; 37,3; 29,9; 31,3; 20,8; 21,4 фоизни ташкил этгани ҳолда сўнгги йилларда уларнинг улуши камайиб борган.

Таҳлил қилинаётган йилларда республика бюджети даромадлари деярли 6 баробарга ортгани ҳолда, маҳаллий бюджетлар даромадлари эса 2,5 баробарга ортган.

Сўнгги йилларда маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятларини кенгайтириб борилишига мутаносиб равишда улар бюджетларининг даромадларини ҳам ошириб борилишини таъминлаш лозим. Маҳаллий бюджетлар давлат бюджетининг таркибий қисми ҳисобланиб маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолият кўрсатишини молиявий жиҳатдан таъминловчи асосий манбадир. Маҳаллий ҳокимият органларига маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш ҳамда уларни тежамкорлик билан сарфланиши вазифаси юклатилади.

Мамлакатимиз ҳудудлари маҳаллий бюджетлари даромадларини шакллантиришда мустақиллик йилларидан бошлаб юқорида келтирилган молиявий ёрдам турларидан доимий равишда фойдаланиб келинмоқда.

Бюджет даромадларида бошқа даромадлар эса солиқ турларига нисбатан юқори ўсишга эга бўлиб, таҳлил қилинаётган йилларда 8,7 баробарга ортган. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда жами солиқ тушумлари таркибида билвосита солиқлар камайиш, бевосита солиқлар ҳамда ресурс тўловларидан ва бошқа даромадлардан тушумлар ортиш тенденциясига эга бўлган. Бу солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг амалиётга киритилиши натижасида бевосита солиқлар тўловчиларининг ортиши ҳамда солиқ имтиёзларининг қисқариши эвазига амалга ошганлигини эътироф этиш лозим.

Мамлакат ҳудудлари кесимида маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланиш жараёни ҳамда сўнгги йиллардаги ўзгариш динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур даромадларнинг таҳлил қилинаётган йилларда мунтазам ўзгариб борганлигини кўришимиз мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ўзгариши динамикаси [12], млрд. сўмда

Т/р	Ҳудудлар номи	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	716,7	949,5	1292,2	2241,1	2953,3	2743,9	1869,2
2.	Андижон вилояти	928,3	1051,1	1264,8	1709,0	2624,6	2105,9	2418,5
3.	Бухоро вилояти	1098,6	1194,8	1335,6	1383,0	2409,5	1782,9	2374,1
4.	Жиззах вилояти	396,2	478,6	715,4	948,3	1240,9	1058,0	1460,4
5.	Қашқадарё вилояти	1587,7	1765,0	1786,6	2341,1	3783,9	2468,8	2722,1
6.	Навоий вилояти	655,6	776,3	745,3	1217,1	1877,8	1540,9	1948,9
7.	Наманган вилояти	753,7	843,0	1032,1	1360,0	2237,8	1763,0	2297,0
8.	Самарқанд вилояти	1082,4	1304,6	1557,3	1970,8	2567,2	2385,6	3154,7
9.	Сурхондарё вилояти	720,0	823,3	1030,3	1378,3	1844,9	1605,7	1993,2
10.	Сирдарё вилояти	377,2	460,9	568,5	710,2	816,7	716,5	881,6
11.	Тошкент вилояти	1632,3	1817,7	1775,0	1949,3	3721,5	2395,5	3734,1
12.	Фарғона вилояти	1681,1	1780,1	2110,9	1833,2	3836,1	2677,3	3665,1
13.	Хоразм вилояти	683,9	731,5	881,4	1106,3	1467,3	1302,7	1743,1
14.	Тошкент шаҳри	2151,0	2326,2	2440,9	2796,4	3752,8	3156,3	4911,4
	<b>Жами</b>	<b>14464,7</b>	<b>16302,6</b>	<b>18536,3</b>	<b>22944,3</b>	<b>35134,2</b>	<b>27702,9</b>	<b>35173,4</b>

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, таҳлил этилаётган йилларда ҳудудлар маҳаллий бюджетлари даромадлари ошиб бориш тенденциясига эга бўлган.

2015 йилда маҳаллий бюджетлар даромадлари ижроси 14464,7 млрд.сўмга, 2016 йилда эса 16302,6 млрд.сўмга, 2017 йилда 18536,3 млрд.сўмга таъминланган. 2018 йилга келиб маҳаллий бюджетлар даромадларининг амалдаги тушуми 22944,3 млрд.сўмни ташкил этиб, режа кўрсаткичлари 124,3 фоизга бажарилган. 2018 йил учун тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига йил давомида, яъни I-IV чорақларда ўзгартиришлар киритилиши натижасида йиллик прогноз даромадлари 3 та ҳудуд бўйича 308,3 млрд.сўмга камайтирилган бўлса, 4 та ҳудуд бўйича шу суммага оширилган, яъни ҳудудлар бўйича қайта тақсимланган. Жумладан, даромадлар бўйича йиллик прогноз кўрсаткичлари Бухоро вилоятида 170,3 млрд.сўмга, Тошкент шаҳрида 95,0 млрд.сўмга ва Қорақалпоғистон Республикасида 43,0 млрд.сўмга камайтирилган. Шунингдек, Тошкент вилоятида 68,0 млрд.сўмга, Сурхондарё вилоятида 37,1 млрд.сўмга, Наманган вилоятида 24,4 млрд.сўмга, Жиззах вилоятида 17,0 млрд.сўмга ва Давлат солиқ қўмитаси назоратидаги тушумлар бўйича 161,8 млрд.сўмга оширилган.

2019 йилга келиб маҳаллий бюджетлар даромадлари ижроси 35134,2 млрд.сўмни ташкил этиб режа кўрсаткичлари 117,7 фоизга бажарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли Қарорининг 34-банди, д-кичик бандида Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига харажатларнинг етишмаётган суммасини алоҳида туманлар ва шаҳар бюджетларини режалаштиришда шаклланадиган ортикча даромадларни бюджет даражалари ўртасида қайта тақсимлаш ваколоти берилган.

2019 йилда ҳудудий Халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари қарорларига мувофиқ Навоий вилоятида 60,0 млрд.сўмга, Самарқанд вилоятида 26,0 млрд.сўмга, Сурхондарё вилоятида 42,8 млрд.сўмга, Тошкент вилоятида 60,0 млрд.сўмга, Тошкент шаҳрида 73,9 млрд.сўмга маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари тенг миқдорда оширилган. 2020 йилда маҳаллий бюджетлар даромадлари амалда 27702,9 млрд.сўмни, 2021 йилда 35173,4 млрд.сўмни ташкил этган.

Фикримизча, маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда маҳаллий бюджетлар харажатлари самарадорлигига эришишда, биринчи навбатда, ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда солиқ солиш манбаларни кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллий бюджетлар: маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудлар бюджетлари даромадларини оширишдан мафаатдорлигини оширишни такомиллаштириш борасида амалга оширилган илмий изланишлар жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Бугунги кунда маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий кенгашларга ваколлатлар берилганлигини эътироф этган ҳолда қуйидаги ваколлатларни беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш учун маҳаллий кенгашларга даромадларни тақсимлаш ва йўналтиришга доир ваколлатлар бериш лозим. Мазкур ваколлатларнинг берилиши натижасида маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлаш орқали маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги таъминланишига эришиш имконияти яратилади.

Иккинчидан, маҳаллий кенгашларга юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва ер солиқларидан тушумларни туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига йўналтиришга доир ваколлатлар бериш. Натижада, кенгаш қарорларига мувофиқ юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларини туман ва шаҳар бюджетларига йўналтирилиши таъминланади.

Учинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларига маҳаллий бюджетларнинг даромадлари бўйича прогнозни ошириб бажаришдан олинган маблағларни йўналтиришга доир ваколатларни бериш лозим. Бунинг натижасида даромадларнинг прогнозини ортиғи билан бажаришдан олинган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун қолдириш имконияти яратилади.

Тўртинчидан, маҳаллий кенгашларга мол-мулк солиғи бўйича камайтирувчи коэффициентларни қўллаш ваколатини бериш орқали иқтисодий ривожланиш даражаси паст туманларни молиявий қўллаб-қувватлаш лозим. Бунинг натижасида, ушбу белгиланган энг кам қийматга туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб 0,5 гача бўлган камайтирувчи коэффициент киритиш орқали ҳудудлар иқтисодий ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

Маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий ва бюджет тўлов қобилиятини таъминлаш бўйича давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар, асосан ҳудудларнинг даромад салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш механизмларини яратишга қаратилмоғи лозим.

## ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабр №271-272.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. . –Тошкент, “Ўзбекистон”, НМИУ.2016 й.14-бет.
3. Tommaso Oliviero, Annalisa Scognamiglio. Property tax and property values: Evidence from the 2012 Italian Tax Reform European Economic Review. <http://www.sciencedirect.com/science/article/pii>.
4. Gorina, E. Financial Sustainability of Local Governments: Effects of Government Structure, Revenue Diversity, and Local Economic Base (Doctoral dissertation). Tempe: Arizona State University. [www.scopus.com](http://www.scopus.com).
5. Sinervo, L.M. Interpreting financial balance in local government: A case study from Finland. Public Money Manag. 2014, 34, 123–130. [CrossRef] [www.scopus.com](http://www.scopus.com).
6. Пивень Е.В., Бедрачук И.А. “Государственное и муниципальное управление”. Учеб. пособие/ Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2008. стр -58.
7. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Тошкент: “Фан”, 2004. - 130 б.
8. Исламкулов А.Х. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2016 й, № 4.
9. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси 3-моддаси, <https://Lex.uz>.
10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси “Очик бюджет” портали маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти Тошкент. 355 бет. [https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston\\_milliy\\_ensiklopediyasi/](https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi/)